Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аксирган вақтларида қўллари ёки кийимлари билан юзларини тўсар ва овозларини иложи борича пасайтирар эдилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аксирган вақтларида қўллари ёки кийимлари билан юзларини тўсар ва овозларини иложи борича пасайтирар эдилар».
[Саҳиҳ] [Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аксирган вақтларида қуйидагиларни бажарар эдилар: Биринчи: Оғизларидан ёки бурунларидан бирор нарса чиқиб ёнларидаги кишига озор бермаслиги учун қўллари ёки кийимлари билан оғизларини тўсар эдилар. Иккинчи: Овозларини пасайтирар ва уни баланд қилмас эдилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3317